


**ДЕКАБР-ТАРБИЯ ВА ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР ойлиги муносабати билан
барча умумтаълим мактабларида
фан ойлиги доирасида тадбир ва
очиқ дарслар ташкил этилмоқда.**



Хусусан, Қумқұрғон туманидаги 3-сонли умумтаълим мактабида фан ойлиги муносабати билан туман семинари ташкил этилди.

Семинарда тарих, Давлат ва ҳуқуқ асослари ҳамда тарбия фанларидан очиқ дарслар о'тгазилди.

Семинарда вилоят ҳалқ таълими бошқармасининг ижтимоий фанлар методисти Т.Жабборов, И.Боймуратовлар бошчилигига Олтинсой, Шўрчи, Жарқўрғон туман ҳалқ таълими бўлимларининг ижтимоий фанлар методистлари ҳам иштирок этдишди.

Очиқ дарслар ялпи йиғилишда таҳлил қилиниб, муносиб деб топилган дарслар туман миқёсида оммалаштиришга тавсия этилди.

Тадбир сўнггида шу мактабнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўриниши ва рақслар барчани мамнун этди.